



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

- ✓ Ijtimoiy-ta'limiy
- ✓ Ilmiy-metodik
- ✓ Ilmiy-tadqiqot

Ilmiy-metodik
JURNAL



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Турабоева Ситора Зокир қизи

Тошкент тиббиёт Академияси “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси
ўқитувчиси

ЎЗБЕК ТИЛИДА “ДЎСТ” ВА “БЕГОНА” КОНЦЕПТИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Муайян бир сўзнинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш учун олинган тил бирлигининг луғавий маъноларини таҳлил қилиш сўз семантикасига қаратилган тадқиқот усули ҳисобланади ва концептга боғлиқ тил бирликларининг ҳам ушбу хусусиятларини аниқлашни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: дўст, бегона, концепт, бинар оппозицияси, семантик таҳлил, лексикографик изоҳ, концептосфера, фрейм.

Бинар оппозицияларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш уларни ўзида акс эттирувчи бутун тил корпусига мурожаат қилишни талаб қилади¹. Шунинг учун ҳам дўст концепти ва унинг дискурсив қарама-қаршиси бўлган бегона концептларини ва ушбу концептосферадаги вербаллашган тил бирликлари ўртасидаги фаркли хусусиятларни таҳлил қилиш ушбу тадқиқот ишимизнинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Концептнинг кенг кўламли ва кўп сатҳли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, С.Х. Ляпин, Ю.С.Степанов и В.И. Карасик таъкидига кўра, тадқиқотнинг объектидан келиб чиқиб, муайян концептнинг устувор яруси белгиланиши мумкин, яъни қайсидир тадқиқот учун масаланинг психологик ёки психоллингвистик сатҳи устувор

¹ Пименова М. В. К вопросу о методике концептуальных исследований (на примере концепта звезда) // Проблемы концептуализации действительности и моделирования языковой картины мира: сб. науч. Трудов – М.: Архангельск, 2009. – №. 4. – С. 140-153.



бўлса, бошқаси учун этимологик, этнографик, яна бирлари учун эса, маданий, лингвокультурологик аспекти диккат марказида бўлиши мумкин².

“Дўст” ва унинг контекстуал антиконцепти “бегона” нинг ҳозирги замон ўзбек тили лексикографик изоҳларига тўхталадиган бўлсак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қуйидаги таъриф келтирилади:

ДўСТ - шафқатли ўртоқ, ёр, ошно, махбуб(а)] 1 Қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳар бири; ўртоқ. *зид.* душман. *Қадрдон дўст. Чин дўст. Қиёматли дўст. Вафодор дўст. Ўз дўстим деб сун айтма, дўстингинг ҳам дўсти бор.*

2 Яқин, таниш, ошно. *Мана бу дўстим билан мен дарёдан ўтолмай қолдик. Шу яқиндаги қишлоққа нон сўраб бордик. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

Дўстингдан топ Дўсти, яқин кишиси бирор ёмонлик қилганда айтиладиган ибора. **Дўсти содиқ** Вафодор, садоқатли дўст. *Дунёда дўсти содиқни топиш қийин экан. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Жон (ёки жонажон) дўст* Жонини ҳам аямайдиган, самимий, беғараз дўст. *Пойлаб-пойлаб, хўб томоша қилсанг-чи, Тўй-томоша қуллуқ бўлсин, жон дўстим. «Юсуф ва Аҳмад». Аввал айтганим-дек, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуляев билан [Абдулла Қаҳҳор] жон дўст эдилар. К. Қдххорова, Чорак аср ҳамнафас. Иш (ёки меҳнат) дўсти* Бирга ишлаб, меҳнат жараёнида орттирилган дўст. *Иш дўстинг — жон дўстинг. Мақол. а Кўриб қўй, деб сўзни бошлайман, меҳнат дўстим — асал ёримга. Ғайратий. Мол дўсти* Олди-берди муносабатларида орттирилган дўст, бирор нарсадан илинжи бўлгани учунгина ошно бўлган, юзаки дўст. *Жон дўстинг жошдан кечса ҳам, мол дўстингмолидан кечмайди. Мақол. Пирига ҳам дўст бўлмайди* Ҳеч кимсага дўст бўлмайдиган ёмон одам ҳақида. *Эрининг юз-хотирини қилмайдиган хотин пирига ҳам дўст бўлмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.*

3 Мурожаат қилиш шакли. *Хўш, тақсир, нега хомушсиз? -Э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

4 Диний тасаввуфда: Аллохо, эй худо. *Ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади: "Ҳей дўст, шайдулло, баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо". А. Қаҳҳор, Бемор.*

Дўст тортмоқ 1) "дўст!" деб худога ёлвормоқ. *Уўз одатининг аксича дўст тортдида, юқорига қаради. С. Анорбоев, Оқсой; 2) кўчма кичқирмоқ, сайрамоқ. "Роҳат "ни эшитиб, Тантйбойвачча "эзиб юбордингиз, жонидан!" деб қичқирди ва бангилар кабибир "дўст!" тортди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ДўСТ (ў - чўзиқ)унд. с. Тасанно, офарин маъноларини билдиради. *Дўст, кам бўлманг! Боғларни қоплайди завқу шавқ, қарсак, Кек-саяар оғзида: "Дўст!", "Баракалло!". Уйғун, Тонг кўшиғи.*

Юқорида берилган *дўст* лексемаси биринчи маъносида концепт ҳисобланса, иккинчи маъносида ундов сўз функциясини бажаради ва бу дўст лексик бирлигининг омонимлик муносабатини намоён қилишини англатади. Келтирилган изоҳда берилган қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки

² Красавский Н.А. Концепт “Zogn” в пословично-поговорочном фонде немецкого языка. // Теоретическая и прикладная лингвистика. Выпуск 2. Язык и социальная среда. – Воронеж. Изд-во ВГУ, 2000. – С.78 89//eidos.rsl.ru

ёки ундан ортиқ кишининг таърифи дўст концептига алоқадор барча концепт ва тушунчалар орасидаги боғлиқликни таъминласа-да, дўст концепти дискурда воқеалананиши жиҳатидан бир қанча ёндош семантик-лексик хусусиятларни намоён этади. Ушбу концептнинг баъзи маънолари эса назарда тутилган нутқ парчасини прагматик, сотсиолингвистик таҳлил этишни талаб этади. Юқорида берилганидек, дўст лексемасининг биринчи семантик маъноси нутқдан ташқарида олинганда, унга тенг оппозитсия муносабатига киришувчи сифатида *душман* антиконцепти танланади. Бу эса “бегона” концептининг асосан дискурс ичида дўст концепти билан оппозитсия муносабатига киришишини кўрсатади. Бунда юзага келган контекстуал оппозитсион парадигматик муносабатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кейинги фаслларимизда батафсил тўхталамиз.

“Бегона” концепти туб сўз ҳисобланиб, дўст концепти ифодалаган тушунчалар билан оппозитив муносабатни ифодалайди. Бегона концепти ҳам биринчи семантик маъносида таниш, таниш-билиш лексемалари билан семантик оппозитсия муносабатини намоён қилади. Хусусан:

БЕГОНА I \ф.— кариндош ёки таниш бўлмаган; ёт] 1 Қариндошлик ёки бошқа жиҳатдан бир тоифадаги, гуруҳдаги кишилардан четда турувчи, уларга муносабати бўлмаган; ёт. *Менга бегона бўлсангиз, ўзлингизга бегона эмассиз-ку.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Бегона қилмоқ** 1) ўздан узоқлаштирмоқ, ёт кишилар қаторига ўтказмоқ; 2) *кўчма* четга кеткизмоқ. бировнинг кўлига, ихтиёрига ўтказиб юбормоқ. *Агар бундан кейин ҳам насияга гўшт олмоқчи бўлсалар, савдони бегона қилмай, менинг олдимга келаверсинлар.* «Латифалар». *Ақлни бегона қилманг! Агар чора кўриш лозим бўлиб қолса, мен бу ерда.* Н. Сафаров. Соҳиб чангал.

2 Тегишли бўлмаган, четдан келган; чет. *Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади — бегона кирмасин.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Ўзгаларга тегишли, нотаниш; ўзга. *Бегона шаҳар. Мана энди, бегона кўз, бегона қулоқнинг йўғида учови хохлашиб, оғиз-бурун ўтишибкелаётир.* М. Исмоилий, Фарғонат.о.

4 *кўчма* Хабари бўлмаган, кўрмаган, билмаган; ёт. *Ҳаётнинг дағал муомаласидан бегона, фақат унинг чучук сўзларинигина тинглаб келган Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди.*

Бегона ўт Одамлар ёқмайдиган, аммо маданий экинлар орасида тасодифий уруғдан кўкариб чиққан ёввойи ўт. *Ердан яхши унум олиш учун ернинг бегона ўтлардан тозаланиши, кузда чуқур чопилиши, гўнг солиниши каби масалаларга кўп аҳамият бериб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

БЕГОНА II Бекларга, беклар наслига хос бўлган, дабдабали, ҳашаматли; бекларча.

Кўриб турганимиздек бегона лексемаси ҳам шаклдошлик хусусиятига эга саналади ва иккинчи маънодаги семантик ядрога бекларга алоқадорлик маъноси ифодаланади. Юқорида берилган бегона концептининг биринчи семантик маъноси орасида мазмуний боғлиқлик кузатилса-да, ҳар бири ўзаро ички семаларга эга саналади. Бегона концептининг биринчи изоҳидаги *қариндошлик ёки бошқа жиҳатдан бир тоифадаги, гуруҳдаги кишилардан четда турувчи, уларга муносабати бўлмаган* деган изоҳ генетик ёки бошқа жиҳатларига кўра ўзаро яқин муносабатда бўлган инсонлар



орасига бевосита алоқадор бўлмаган шахсни ифодаласа, иккинчи изоҳда *тегишли бўлмаган, четдан келган* деган маънода бегоналик даражаси бир поғона юқорига кўтарилади. *Ўзгаларга тегишли, нотаниш; ўзга* маъноси эса юқоридаги ҳар иккала таърифдан юқорига кўтарилади ва маънолар орасида ҳам ички оппозиция муносабатини акс этишини ифодалайди.

От шакллари: *жуфт сўз шаклида*

ДЎСТ-ДУШМАН, Дўст(лар) ва душман(лар). *Хунарли эр хор бўлмас, Дўст-душманга зор бўлмас.* Мақол. **шиш** *Сен дўст - душманни ажратиб муомала қилгин.* П. Турсун, Ўқитувчи. Ушбу жуфт сўз шаклдаги лексик бирикма гарчи зид маъноли лексемалардан ташкил топган бўлса-да, умумий маънода барча инсонлар, ҳамма атрофдаги одамлар деган маънони кўрсатиш учун хизмат қилади. *Дўст-ёр, ошна-оғайни* лексик бириклари эса градонимия муносабатига эга бирикмалардан ташкил топади ва *дўст-душман* лексемаси билан вариантдош ҳисобланади.

ДЎСТ-ЁР Дўст(лар) ва ёр(лар), ҳамдам(лар). *Дўст-ёрлар аҳил бўлса, чўлда олтин ундирар.* «Муштум». *Дўст-ёрлар йиғилиб, чағир ичиб, мусиқа ва рақслар билан тонг оттирадилар.* Ойбек, Навоий.

ОШНА-ОҒАЙНИ Яқин таниш-билишлар, дўст-биродар, кадрдонлар. *Ошна-оғайниларнинг ҳашари билан дангиллама қилиб бир уй, бир айвон солиб олдим.* Ғ. Ғулوم, Тирилган мурда.

ОШНА-ОҒАЙНИГАРЧИЛИК 1 Ошна оғайнилар, дўстлар ўртасидаги муносабатлар, борди-келди алоқалари. *Бизнинг Набиғул одам эмас ўзи! Ёш-да, ҳали ошна-оғайнигарчиликни билмайди.* А. Қаххор, Қанотсиз читтак.
2 Ошна-оғайнилар манфаатини кўзлаб, ишга зарар келтириш, ошна-оғайнилар манфаатини хизмат манфаатидан юқори кўйиш. *Ишда ошна-оғайнигарчилик бўлмайди.*

ОШНА-ОҒАЙНИЛИК айн. *ошна-оғайнигарчилик.* *Ҳой, Эргаш полвон, дунёда ошна-оғайнилик бор экан, тўғриланмайдиған иш бўлмайди.* Шукрулло, Сайланма.

ТАНИШ-БИЛИШ Бир-бирини танийдиган ва маълум жиҳатдан алоқа-муносабати бор шахс(лар). *Сумка, тўрхалта кўтар-ган одамлар уй-уйига шошилишар, таниш-билишларини кўриб, байрам билан кутлашар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

Таниш-билиш, ошна-оғайничилик, ошна-оғайнилик лексик бирикмалари дўст концептосферасига тегишли фрейм ҳосил қилса-да, контекстда ёки дискурс таркибида олинганда семантик маъно ўзгаришларига учрайди. Ушбу тил бириклари семантик жиҳатдан дўст ва бегона концептлари ўртасидаги оппозиция муносабатида маъно кўпригини ҳосил қилувчи бириклар сифатида қабул қилиш мумкин.

Умумлашма от кўринишида:

ДЎСТЛИК Дўст мақомида бўлишлик; яқинлик, ошнолик; аҳиллик; меҳрибонлик. *Дўстлик синовда чиниқар.* Мақол. *Халқ дўстлиги — юрт бойлиги.* Мақол.

ЎРТОҚЧИЛИК айн. *ўртоқлик.* [Суннат:] *Ахир дунёда ўртоқчилик, таниш-билишлик ҳам бор. Сенингча, ёлғиз муҳаббат бор-у, бошқаҳеч нарса йўқ.* Шухрат, Шинелли йиллар.

БИРОДАРЛИК 1 Ака-укалик, оға-инилик.



2 Ака-укалардек, оға-инилардек дўстона муносабат; иноклик, дўстлик. *Биродарлик* — баробарлик. Мақол. мм *Дўстлик, қардошлик, биродарлик биз етиб келган порлоқ манзил-лар, юксак доволарнинг тамал тоши бўлиб қолади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлкинлари.

ОШНАЧИЛИК айн. *ошна-огайнигар-чилик* 1. Мен биров билан ошначилик қилсам, ҳатто ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоққа тиришаман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БИРОДАРКУШЛИК [биродар + ф.— ўлдирувчи] Ака-укаларнинг, ўзаро яқин, қариндош кишиларнинг бир-бирини қири-ши; улар ўртасидаги ўзаро қирғин-барот. *Сизнингча, бу биродаркушликнинг илдизлари қаерда, уларни қандай қилиб йўқотиш мумкин? «Ёшлик».*

ТАНИШЛИК 1 Таниш бўлиш, таниш эканлик. *Иш билан танишлиги унга қўл келди. иш* Йигитлини ҳаммамиз яхши таний-миз.. Аммо ҳозир бу танишликнинг сира аҳамияти йўқ. С. Кароматов, Бир томчи қон. 2 Ўзаро таниш-билиш ҳолати, таниш-билишлик муносабати. *Менга қолса, бу урн-да ҳеч бир қўрқадиган гап йўқ, уста билан танишлиги бўлса, унинг уйига меҳмон бўл-гандир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ТАНИШСИЗЛИК 1 кам қўлл. Таниш эмаслик, нотанишлик. *Иш билан таниш-сизлик.* 2 Танишлари йўқлик. *Шаҳрингизга би-ринчи марта келишим бўлгани учун, танишсизлик, ёлғизлик мени жуда зериктир-ган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

БЕГОНАЛИК 1 Бегона кишининг ҳолатига тушишлик. *У [Элмурод] кун сайин ака-ука, ёр-огайнига айланиб бораётган кишилар орасида ўзининг бегоналигини унута борди.* П. Турсун, Ўқитувчи. 2 Ёт, чет кишиларга хос бўлган муносабат. [Гулсумбиби:] *Бегона ҳар вақт бего-налигини қилади. Қизим бахтли бўладими, ўтда ёнадими, Мирзақаримбойга бари бир.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ўзбек тили морфем-структур системасида кўпинча ҳолат ёки фаолият-жараён отларини аффиксатсия усулида ҳосил қилувчи –лик саффикси марказида дўст ва бегона концептлари турувчи лексик бирликлар яшаш учун хизмат қилади. Бу бирликлар бир-биридан семантик градонимия муносабатига кўра фарқланади. Дўст лексик бирлиги ўз ўрнида гендер хосланганлик хусусиятини ҳам намоён этади ва асосан аёллар ўртасидаги дўстлик муносабатлари дегона лексемаси орқали ифодаланади. Изоҳига қараймиз:

ДУГОНА \ф.— иккита, жуфт] 1 Ўртоқ, дўст (хотин-қизлар ҳақида). *Салом, менинг азиз дугоналарим, Азизим, лобарим, чеварим, қизлар.* Зулфия. 2 Шерик, жуфт. *Кўксув билан Оқсув икки дугона, дилбар, Икки ёқдан тоғ бағридан ўйноқлаб келар.* Шайхзода.

Дўст ва бегона концептларининг лексик-семантик хусусиятларини таҳлил қилганимизда ушбу тил бирликлари ўзига хос услубий ва ҳудудий хосланган инвариантларига ҳам эга эканлигини кўрамиз. Жумладан, ўртоқ лексемаси асосан Тошкент шаҳар шеvasида фаол ишлатилса, ағёр лексемаси бегона концептининг бадий услубга хос бўлган варианты саналади. Қуйида уларнинг изоҳига диққат қаратамиз ва этносотсиопрагматик ўзига хослиги ҳақида кейинги фаслларимизда батафсил тўхталамиз.

ЎРТОҚ 1 Ёши тенг ёки яқин бўлиб, ўзаро яхши алоқада бўлган тенгдошлар (бир-бирига нисбатан); бирга ўсган; тенгдош, дўст, ошна. *Укамнинг ўртоғи. Қалин ўртоқ.* 2 Дунёқараши, фаолияти, яшаш шароити ва ш.к. жиҳатидан бир, ғоявий жиҳатдан



якин киши; ҳамфикр, ҳамғоя. *Эски ўртоқларинг-дан айрилгансан, янги ўртоқ орттиролма-динг.* А. Қахҳор, Кўшчинор чироклари.3. Кишиларга мурожаатда, одатда уларнинг фамилияси, касби, унвони ва ш. к. билдирувчи сўзга қўшиб ишлатилади. *Ўртоқ директор.* 4 с. т. айн. турмуш ўртоғи; эр ёки хотин, рафик ёки рафиқа. *Эркаклар ҳам рўзгор ишини яхши билиши, ўртоғига яқиндан ёр-дам бериши керак.* Газетадан.

ОШНА [ф. - таниш, маълум, дўст киши; бир нарсани билувчи] 1 Таниш, та-ниш-билиш. *Бир кўрган ошна, Икки кўрган қариндош.* Мақол. 2 Ўртоқ, дўст. *Пул ошнаси ошна бўлмас, пўкакдан пошна бўлмас.* Мақол. мм 3 Ўз тенгқурларига нисбатан мурожаат шакли.4 Илгаридан маълум, таниш. *Ўш тоғла-ри, кўрқинч жарлари, жилгалари, адирлари — барчаси бизга кўндан ошна.* 5 Хабардор; биладиган. *Анвар.. яхшигина форсихон ва бир даража араб тилига ошна эди.*

СИНАШТА 1 Яхши синалган, текши-рилган, таниш, кадрдон, якин. *Қоровул синашта эди, итоаткорона бош эгди: -Тушун-дим, хўжайи.* С. Сиев, Отлиқ аёл. 2 Бошидан кечирилган, синаб, тотиб кў-рилган; тажрибадан ўтказилган. *Бу дард айниқса Отабекка уч йилдан бери синашта.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АҒЁР [а. жуил — бегоналар; рақиблар] эск. кт. 1 Ўзгалар, бегоналар. *Ағёрларга лутф ила эҳсон қачонгача?* Муқимий. 2 Рақиб; рақиблар. *Билмам, на гуноҳим бор, олмайди хабар бир йўл? Ё рашк ила ағёрим бегона қилиб кетди.* Ҳамза.

НОТАНИШ Танишлиги йўқ, аввал та-ниш-билиш, ошна бўлмаган, кўрилмаган; ёт, бегона. *Нотаниш одамлар орасига кела-ётганидан хижолат чекибми, унинг юзлари, кенг пешонасини майда тер босган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

БИРОДАР - ака, ука] 1 Ака ёки ука; оға ёки ини. *Бойсунқур мирзо ўз қобилияти, ўтқир зеҳни, ишбилармонлиги билан биродарларидан ажралиб туради.* Мирмуҳсин, Меъмор.2 Фаолияти, қарашлари, муносабатига кўра ўзаро якин шахс; ҳамдам, дўст. *Тангри биродарларига қовоғини солиб қаровчи ки-шиларни ёқтирмайди.* «Ҳадис». 3 Ўртоқ, оғайни (мурожаатда). *Сизқутлуг кунларда етиб келдингиз, азиз биродарлар!* А. Мухтор, Дўстлигимиз барқ урсин. *Биродар, Азизхон деган полвон болани қайдан топсам бўлади?* С. Аҳмад, Уфк. *-Қаёққа, биродар?-деди шопмўйлов таксичи, машинанинг қия деразачасидан мўралаб.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулок сол. **Биродари азиз** Азиз дўстим, оғайним. *Биродари азиз, сиз менинг бу сўзларимдан хафа бўла кўрмангиз..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Сифат ва равиш шакллари: Дискурсда вазиятни баҳолаш ёки дўстлик ва бегоналик муносабатлари доирасида муайян ҳолатга нутқий баҳо бериш мақсадида ушбу тил бирликлари сифат ва равиш шаклларига ҳам эга саналади. Равиш маъносидаги семема таркибида кўпроқ иш – ҳаракатнинг тарзи, услуби ифодаланади. Изоҳларга қараймиз.

ДЎСТЛАРЧА рвш. Дўстларга хос равишда; дўстона, дўстлар каби. *Дўстларча муомала. Дўстларча кўришиши. Жўра дўстларча койиб-койиб, хўжранинг беш тийинлик чақадай қулфини кўрсатди-да, йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

БИРОДАРЛАРЧА айн. биродарона. *Биродарларча ёрдам бермоқ. Биродарларча муносабат. Биродарларча гамхўрлик.*

ДЎСТОНА \ф. — дўстларча] рвш. Дўст каби, дўстларча, дўстлардек, дўстлик билан. *Дўстона муомала. Дўстона салом. Дўстона суҳбат.* м Шербекнинг елкасига қўлини дўстона ташлади-да, ўтир, дегандек ишора қилди. С. Анорбоев, Оксой.



БИРОДАРОНА [ф. - акаларча, укаларча] *рвш.* Ака-укалардек, оға-инилар-дек; яқин, кадрдон кишилардек; дўстона. *Биродарона ёрдам кўрсатмоқ. Биродарона салом. Биродарона муносабатлар.*

ДЎСТПАРВАР [ф. - дўстни кадрловчи, севувчи] Дўстларини ва дўстлик-ни севувчи, кадрловчи, дўстларига меҳрибон, ғамхўр. *Ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз, Дустпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ. Ғ. Ғулом.*

АЖНАБИЙ [а. — бегона, чет киши] *1 сфт.* Чет эжа ёки "чет элликларга оид, хорижий. *Ажнабий давлатлар. Ажнабий тиллар. 2 от* Чет эл фуқароси, чет мамлакат одами. *Республикамизга кўп ажнабийлар келади.*

Дўст ва бегона концептуал майдони бирликлари ичида аффиксация усулида (-она, -ларча, -парвар, но-,) кўшимчалари билан сифат ва равишлар, (-ла, -лаш, -сира,) кўшимчалари билан феъллар, (-лик, -чилик, -иш,) кўшимчалари билан от яшаш фаол ҳисобланади. Шунингдек лексемаларни жуфтлаштириш (*ошна-оғайни, таниш-билиш, дўст-душман*) кабилар орқали ҳам янги семантик маъно ифодалаш имконияти мавжуд саналади.

Ушбу сўз туркумларига тегишли энг кўп қўлланиладиган лексемалар сифатида «таниш-билиш/бегона», «дўст/дугона», «ошна/биродар», «дўстларча/бегоналарча» инвариантлари билан энг яқин маънодош бўлиб, ядро зонага тегишли, қолганлари эса периферик бирликлар ҳисобланади. Дўст ва бегона концептининг феъл шакллари: *дўстлашмоқ, бегоналашмоқ, бегонасирамоқ, биродарлашмоқ, ўртоқлашмоқ, ошна бўлмоқ, дўст бўлмоқ, маҳбуб бўлмоқ* ва ҳ.к.. Уларнинг ўзбек тили изоҳли луғатидаги шакллари куйидагича:

БИРОДАРЛАШМОҚ Ака-укалардек, оға-инилардек бўлиб кетмоқ; иноклашмоқ, дўстлашмоқ. *Биродарлашган шаҳарлар. м.м Тошкент — биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясининг аъзосидир.* Газетадан.

БЕГОНАЛАШМОҚ Қариндошлардан, яқин кишилардан узокдашмоқ, ёт кишидек бўлиб қолмоқ. [Кумуш] *Кундан-кунга Зай-набнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англари эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Саидий ҳануз Мунисхондан бегоналашиб кетгани йўқ. А. Қахҳор, Сароб.*

БЕГОНАСИРАМОҚ Ҳали ўрганиб ул-гурмаган, нотаниш, ёт кишилар ўртасида ўзини бир қадар ноқулай сезмоқ, ўзини ёт ҳис қилмоқ. *Бола Нормат полвонга бегонасираб қаради. «Ёшлик». Иккинчи она ва унинг болалари Очилга ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда, у бегонасираб, сал нарсани кўнгишга олибўксир эди. П. Қодиров, Уч илди.*

ЎРТОҚЛАШМОҚ *1* Ўртоқ бўлмоқ, ўртоқлик муғғосабатини тутмоқ. *Йўлчи улар билан содда ва очиқ кўнгиш билан сўзлашиб, бирпасда апоқ-чапоқ ўртоқлашиб қолди. Ойбек, Танланган асарлар. 2* *кўчма* Хурсандчилик, кайғу-хасрат ва ш. к. га шерик қилмоқ. *Хадичахон Аҳророва ҳам қурултой минбаридан туриб нутқ сўз-лади. Вакиллар билан ўз тажрибасини ўр-тоқлашди. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.*

Дўст ва бегона концептосферасида фреймлар ҳосил қилувчи тил бирликларининг қайси биридан қачон қандай вазиятда фойдаланиш адресат ва адресантнинг мулоқотдан кўзлаган мақсадидан келиб чиқади. Коммуникатив интенция шуни талаб қиладики, муаллиф томонидан коммуникатив жихатдан энг аҳамиятли ҳисобланган



лексема биринчи тилга олинади, кўпинча градация стилистик воситаси жумланинг яна ҳам услубий бўёқдор чиқишига кўмак беради.

Мазкур вербализаторлар орасида нафақат ўз қатлам, балки ўзлаштирма сўзларга оид намуналар сафи ҳам кенг бўлиб, бу мазкур концепт инглиз лингвомаданияти учун даврлар оша нақадар актуаллиги ортиб борганидан далолат беради. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, концептуал майдон кенглиги, тегишли концептнинг ўша этнос учун аҳамияти даражасини ҳам белгилай олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Матвеев П.Е. Моральные ценности: моногр. – Владимир: Владим. гос. ун-т, 2004. – 190 с.
2. Моральные ценности и личность / под. ред. А.И. Титаренко, Б.О. Николаичева. – М.: Изд-во МГУ, 1994. – 175 с.
3. Кондрашов В.А. Человек в мире моральных ценностей // http://samlib.ru/k/kondrashow_w_a/file1.shtml
4. Тематический философский словарь / Н.А. Некрасова, С.И. Некрасов, О. Г. Садикова. – М.: МГУ ПС (МИИТ), 2008. – http://thematic_philosophical.academic.ru/
5. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 1-jild. 144-bet. “O‘ME” Davlat ilmiy nashryoti.
6. Macmillan English dictionary. https://www.macmillandictionary.com/dictionary/british/moral_2#:~:text=plural%20principles%20of%20right%20or,generally%20accepted%20by%20a%20society.